

5-6772
25.12.21.



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Хоразм вилояти ҳоқими

Ф. Эрманов

2021 йил.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 17 сентябрдаги 132-сонли баёнига асосан Хонқа тумани “Дўстлик” МФЙ ҳудудида қурилаётган кўп квартирали уй-жойларни ички йўлларни ҳамда пиёдалар йўлакчаларини қурилиши бўйича пудратчи ташкилотларни энг мақбул таклифларни танлаш бўйича тузилган

602 - сонли БАЁННОМА

“ 25 ” 12 2021 йил

Урганч ш.

ҚАТНАШДИЛАР:

Хоразм вилоят ҳокимининг 2021 йил 5 июндаги 115-ф-сонли фармойиши билан тасдиқланган энг мақбул таклифларни танлаш орқали лойиҳачи ва пудратчи ташкилотларни аниқлаш бўйича вилоят комиссия таркиби:

- Ф.Эрманов - Хоразм вилоят ҳоқими, *комиссия раиси*
- Б.Курбанов - вилоят ҳокимининг ўринбосари, *комиссия раиси*
ўринбосари

комиссия аъзолари:

- Қ.Рахимов - вилоят ҳокимлигининг “ЯБХ”ИК директори, *комиссия котиби*
- Р.Матчанов - Хонқа тумани ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи
- М.Аллаберганов - вилоят ҚСХН инспекцияси бошлиғи
- М.Искандаров - вилоят молия бош бошқармаси бошлиғи
- Ҳ.Абдукаримов - вилоят Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи
- М.Давлатов - Хонқа туман ҳоқими

Кун тартиби:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 17 сентябрдаги 132-сонли баёнига асосан Хонқа тумани “Дўстлик” МФЙ ҳудудида қурилаётган кўп квартирали уй-жойларни ички йўлларни ҳамда пиёдалар йўлакчаларини қурилиши бўйича пудратчи ташкилотларни энг мақбул таклифларни танлаб олиш

Кун тартибидаги масала бўйича Хоразм вилояти ҳоқими ўринбосари Б.Курбанов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 17 сентябрдаги 132-сонли Раёсат баёни 8-бандига асосан тадбиркорлик субъектлари томонидан туманларда қурилаётган кўп квартирали уй-жойларнинг ташқи муҳандислик-транспорт коммуникацияларини қуриш ишларини жадаллаштириш мақсадида, истисно тариқасида танлов (тендер) савдолари ўтказмасдан, махсус электрон порталида танлов ўтказиш тўғрисида эълон жойлаштирмасдан, энг яхши таклифларни танлаб олиш орқали бош пудрат ташкилотларни белгилашга;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 ноябрдаги 159-сонли Раёсат баёни 11-банди “б” қисмига асосан тадбиркорлар томонидан қурилаётган бошқа барча

массивлардаги ичимлик ва оқава сув, электр ва табиий газ тармоқлари ҳамда автомобиль йўлларини куриш ишларига худудий ҳокимликлар ҳузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компаниялари белгиланганлиги такидлаб ўтди.

Ушбу объект бўйича (уй-жойларни ички йўлларни ҳамда пиёдалар йўлакчаларини) объекти бўйича буюртмачининг бошланғич нархи ҚҚС билан 537408,966 минг.сўм ишларни бажариш 60 календар.кун

Шунингдек, Хонқа тумани ҳокимининг 2021 йил 25 ноябрдаги YE88214888-сонли қафолат хатига асосан ушбу объект бўйича қуйидаги пудратчи ташкилотлар ўз таклифларини тақдим қилди.

1. “Хива қурилиш комплекс” МЧЖнинг таклиф қилган қурилиш нархи ҚҚС билан 529 220,0 минг.сўм, қурилиш муддати 55 календар кун.

2. “Хива Саёт Обод” ХКнинг таклиф қилган қурилиш нархи ҚҚС билан 534 260,0 минг.сўм, қурилиш муддати 60 календар кун.

3. “Хоразм истиқлол” МЧЖнинг таклиф қилган қурилиш нархи ҚҚС билан 536 810,0 минг.сўм, қурилиш муддати 60 календар кун.

Комиссия ҳаёяти юқоридаги масалаларни тўлиқ ўрганиб чиқиб, тақдим қилинган маълумотларга асосланган ҳолда

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Хонқа тумани “Дўстлик” МФЙ худудида қурилаётган кўп квартирали уй-жойларни уй-жойларни ички йўлларни ҳамда пиёдалар йўлакчаларини қурилиши объекти бўйича “Хива қурилиш комплекс” МЧЖ томонидан тақдим қилинган қурилиш нархи ҚҚС билан 529 220,0 минг.сўм, қурилиш муддати 55 календар кун қилиб белгиланган таклифи энг мақбул деб топилсин ва танлов ғолиби деб эълон қилинсин.

2. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси буюртмачилигида амалга ошириладиган қурилиш-таъмирлаш ишлари бўйича белгиланган пудратчи ташкилот билан шартномалар тузиш ва амалга оширилиши кўзда тутилган ишларни зудлик билан бошлаш топширилсин.

4. Баённома комиссия аъзоларига ўқиб эшиттирилди ва тўғри деб топилди.

Комиссия раиси: Ф.Эрманов

Раис уринбосари: Б.Курбанов

Комиссия котиби: Қ.Рахимов

Аъзолари: А.Қодиров

М.Аллаберганов

М.Искандаров

Х.Абдукаримов

М.Давлатов

